

## **ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ҲУСУСИДА АЙРИМ МУЛОХАЗАЛАР**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8031265>

**Абдуганиева Гулрух Мансур кизи**

*Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий фанлар факультети*

*3-курс талабаси*

**В.Р.Топилдиев**

*Илмий рахбар: ю.ф.д. профессор*

### **Аннотация.**

Мазкур мақолада муаллиф Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида вояга етмаган болаларни ҳимоя этишига қаратилган нормалар, "Бола ҳуқуқлари түгрисида"ги БМТ Конвенцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишига оид нормаларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этган.

### **Калит сўзлар.**

*бала, вояга етмаган болалар, ҳуқуқ, бола ҳуқуқлари, ҳуқуқ нормалари, ота-она, ҳомий, фарзандликка олувчилик, муомала лаёқати, васийлик ва ҳомийлик органлари.*

Бугунги кунда мамлакатимизда болаларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилган. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси<sup>71</sup>, Оила кодекси<sup>72</sup>, Фуқаролик кодекси<sup>73</sup>, Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишига оид нормалар ўз ифодасини топган. Бу борада кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига кўра, вояга етмаган болалар-18 ёшга тўлмаган фуқаролар хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқаролар қаби, вояга етмаган болаларнинг ҳам қўйидаги ҳуқуқлари таъминланган:

- Билим олиш ҳуқуқи
- Меҳнат қилиш ҳуқуқи

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Т.: “Ўзбекистон”, 2023 йил.

<sup>72</sup> Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси: Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: “Адолат”, 2022 й.

<sup>73</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси: Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: “Адолат”, 2022 й.

- Дам олиш хуқуқи
- Мулқдор бўлиш хуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида 14 ёшдан 18 ёшгacha бўлган вояга етмаган болаларнинг муомала лаёқати белгиланган. Улар ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва ҳомийлари розилигисиз мустақил равишда:

1. Ўз иш ҳаки, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;
2. Фан, адабиёт ёки санъат асарининг , ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижасининг муаллифи ҳуқуқини амалга ошириш;
3. Қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;
4. Майда майший битимларни ҳамда бошқа битимларни тузишга ҳакли эканлиги кўрсатилган, бошқа битимларни улар ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар.

Улар розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаётган ёки меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган 16 ёшга тўлган вояга етмаган болаларни муомалага тўла лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин. Вояга етмаган болалар меҳнатга оид муносабатларда катта ёшдаги ходимларга тенглаштирилади, лекин меҳнат муҳофазаси, иш вақти, таътиллар бериш ва бошқалар меҳнат шартлари бўйича қўшимча имтиёзлардан фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар, уларнинг меҳнаттага оид ҳуқуқлари белгилаб берилган (239 – 247-моддалар)<sup>74</sup>. Вояга етмаган болаларнинг жинойи ишларини юритишида маҳсус қонун меъёрлари орқали қўшимча ҳуқуқлар кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларни ҳузурида Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тузилган.

Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисида маъқулланиб, жорий йилнинг 7 декабр ойида Президентимиз томонидан имзоланган «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

<sup>74</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси: Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: “Адолат”, 2022 й.

тўғрисида»<sup>75</sup>ги қонунга мувофиқ, амалдаги бир қатор қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани ҳам ана шундай ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Янги қонунга кўра, эндиликда жиноий жавобгарликка тортишнинг энг кичик ёши 14 ёш этиб белгиланди. Бу кўрсаткич амалда 13 ёш эди. Бундан ташқари 16 ёшгача бўлган вояга етмаганлар билан моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкий манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда. Мазкур соҳадаги жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилмоқда.

Жиноят кодексининг 128-моддасида<sup>76</sup> (ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш) озодлиқдан маҳрум қилиш жазосининг максимал муддати 5 йилдан 7 йилгача оширилмоқда. Шунингдек, ушбу кодекснинг 129-моддаси 1-қисмида (ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук харакатлар қилиш) озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси 1 йилдан 2 йилгача кўпайтирилмоқда.

Бундан ташқари суд-тергов жараёнида бола ҳуқукларининг протессуал кафолатлари кучайтирилмоқда. Жумладан, вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳни суроқ қилишнинг умумий давомийлиги кун давомида, дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда 4 соатдан ошмаслиги белгиланмоқда (амалда 8 соат эди).

Эндиликда вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишда педагог билан бир қаторда психолог ҳам қатнашиши шарт.<sup>77</sup>

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақилликнинг ilk давридаёқ бола ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилади. Шу боис энг аввало БМТнинг 1989 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуклари тўғрисидаги конвенциясини ратификатсия қилди. Ўзбекистон ушбу Конвенцияга қўшилгач, бола ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш бўйича бир қатор ҳалқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Шундан буён мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуклари бўйича қўмитасига Конвенция талабларини бажарилиши тўғрисида доимий равишда ҳисботлар тақдим этиб келмоқда.

Бола ҳуқукларини ҳимоя этишга қаратилган қўплаб декларатсиялар, хартия ва битимлар қабул қилинган бўлиб, уларда боланинг хақ-ҳуқукларини

<sup>75</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.12.2021 й., 03/21/735/1141-сон

<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси: Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: “Адолат”, 2022 й.

<sup>77</sup> [https://sud.uz/ccr\\_slider/бала-хуқуклари-кафолатлари-давлатим/](https://sud.uz/ccr_slider/бала-хуқуклари-кафолатлари-давлатим/)

ҳимоя қилиш қоидалари ва меъёрлари мустаҳкамланган. Аммо қайд этиш керакки, ҳуқуқий қоидалар ва меъёрлар яратилгани билан ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди ва ўз-ўзидан самарали бўлмайди. Бунинг учун уни давлатлар томонидан амалга ошириши учун, уларни қўллаб-қувватлайдиган, кузатиб борадиган, бу борада давлатлар фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган халқаро механизм лозимдир. Шунинг учун ҳам бола ҳуқуқларининг халқаро ҳимояси тўғрисида фикр юритилганда мазкур халқаро-ҳуқуқий хужжатларни амалга оширишнинг механизми сифатида халқаро институтсионал тизимга алохида эътибор қаратиш лозим<sup>78</sup>

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси 65-моддасида<sup>79</sup> Болаларнинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуки мустахкамлаб куйилган. Вояга етмаган болаларнинг ўз ота-онаси билан бирга бир оилада яшashi ва тарбияланиши учун, ўзининг ота-онасини билиши керак. Болаларнинг ўз ота-онасини билиши "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги БМТ Конвенциясининг 7-моддасида<sup>80</sup> назарда тутилади. Вояга етмаган боланинг ота ёки онаси деганда, қонуний никоҳда турган эркак ва аёл ёки қонун билан белгиланган тартибда оталиги ёки оналиги аниқланиб фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш дафтарида боланинг отаси ва онаси сифатида қайд этилган шахслар тушунилади. Ҳар бир бола оилада ота-онаси ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга деганда, болани озиқ-овқат, даволаниш, кийим-кечак, ўқув қўлланмалари ва унинг яшashi ва билим олиш учун зарур бўлган бошқа нарсалар билан таминлаши назарда тутилади.

Ота-онанинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиши муносабати билан ёки бошқа сабабларга кўра, ота-онаси тарбиясидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларнинг оилада тарбияланиши ҳуқуқини таъминлаш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юкланади.

Боланинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуки Оила кодексининг 66-моддасида<sup>81</sup> таъкидланган: Ота ва она алохида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшагани тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга. Фавқулотда вазиятларга тушиб қолган бола "ушлаб туриш, қамоққа олиш, ҳисобга олиш, даволаш муассасида бўлиш ва бошқа холатларда" ўз ота онаси

<sup>78</sup> Мўминов Ҳалқаро ташкилотлар ҳукуки. Ўқув қўлланма-2021

<sup>79</sup> Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси: Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: "Адолат", 2022 й.

<sup>80</sup> "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги БМТ Конвенцияси

<sup>81</sup> Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси: Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: "Адолат", 2022 й.

ва бошқа қариндошлари билан қонунда белгиланган тартибда күришиш хуқуқига эга. Ота-оналарнинг никоҳдан ажралиши ёки никоҳларнинг ҳақиқий эмас деб топилиш, вояга етмаган болаларнинг ота-оналари билан күришиб туриш ва мулоқатда бўлиш хуқуқини чекламайди.

Ота-онаси билан бирга яшамайдиган ёки улар қармоғидан маҳрум бўлаган болаларни тарбиялаш учун васийлик ва ҳомийлик белгиланган бўлиш мумкин (Оила кодекси 173-193-моддалари)<sup>82</sup>. Бундай ҳолларда васий ва ҳомий боланинг ўз ота-онаси ва бошқа яқин қариндошлари билан күришиб туришга тўсқинлик қилишга хакли .Лекин боладан алоҳида турган ота ёки онанинг вояга етмаган бола билан мулоқатда бўлиши унинг тарбиясига, хулқ атворига салбий тасир кўрсатадиган бўлса, масалан, ота ёки она доимий спирт ичимликлар ичишга, гиёхвандлик воситаларни истеъмол қилишга , оғир руҳий касаликка дучор бўлган бўлсалар ,манфаатдор шахс томонларнинг талаби билан , васийлик ва ҳомийлик ёки суд бундай ота-онани войга етмаган бола билан күришиб туришини тўхтатиб қўйиши мумкин.

Ота ёки она вояга етмаган боладан алоҳида яшаган холда ҳам бола уларнинг хар бири билан күришиб туриш ва мулоқотда бўлиш хуқуқини йўқотмайди. Хатто боланинг ота ёки онаси чет давлатларда бошқа бошқа жойларда яшаб турган тақдирда ҳам вояга етмаган болалар ота-оналарнинг хар бири билан күришиб туриш хуқуқига эга. Бундай хукуқ “ Бола хуқуқлари тўғрисида”ги БМТ Конвенцияси 10-моддасининг 2-бандида ҳам назарда тутилади. Вояга етмаган болаларни ўз ота-оналари билан күришиб туриши тўғрисидаги вакиллик ва ҳомийлик органининг қарори ота-оналарнинг хар бири учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Бола тарбиясини зиммасига олган ота ёки она гарчи улар васийлик ва ҳомийлик органларининг қарорида белгиланган вактда алоҳида-алоҳида турган бўлсалар боланинг ўз отаси ёки онаси билан учрашишга имконият яратиб беришлари ва бундай учрашувга монелик қиласликлари керак.

Ҳар хил ғараз мақсадларда эри(хотини)дан қасос олиш учун болаларни ўз отаси (онаси) билан күришиб имкониятидан маҳрум қилишга харакат қилувчи она (ота)лар ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда манфаатдор томоннинг талабига биноан суднинг хал қилув қарорига кўра вояга етмаган бола билан учрашувга монелик қилган ота-онани мажбур қилиш йўли билан бузилган хукуқ тикланиши мумкин . Суд ўзининг хал қилув қарори билан

<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси: Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: “Адолат”, 2022 й.

фақат васийлик ва ҳомийлик органларининг қарорини бажариш мажбурийлигини тасдиқлабгина қолмай, балки агар асослар бўлса, ишни мазмунан кўриб, ота-оналик ҳуқуқини сустеъмол қилган ота ёки онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини ҳам ҳал қилиши мумкин.

Оила кодексида Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи ҳам белгиланган. Бунга кўра, Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомила лаёқатига эга, деб эътироф этилса ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишга хаклидир. Бола ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан қилинадиган сустеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини сустеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳаёти ёки соғлигига хавф туғилганлигидан унинг ҳуқуқ ва мажбурий манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола айни пайтда яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши шарт. Шундай маълуматларни олгач, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўриш шарт. Таълим тарбия беришда қонун билан юқлатилган вазифаларни бажармаган ёки ота-оналик ҳуқуқини сустеъмол қилган ота-оналарнинг хатти -харакатилари устидан шикоят қилиб, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган болаларга ҳам берилади. Бундай холларда вояга етмаган болалар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишини сўраб васийлик органларига мурожат қилишга хаклидирлар.

Боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи 68-моддада ўз аксини топган. Оилада боланинг манфаатларига таалуқли ҳар қайдай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокамага даврида сўзлашга хаклидир.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги БМТ Конвенциясининг 12-моддасида ва 68-моддада боланинг ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи назарда тутилади. Бунда бола оила аъзоси сифатида муайян ҳуқукларга эга шахс сифатида тан олинади. Боланинг қайси ёшдан бошлаб фикр билдириш ҳуқуқига эга эканлигини мазкур моддада аниқ белгиланманган. Лекин Оила кодексининг болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги моддаларда бу масалага эътибор берилган.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги БМТ Конвенциясида бола фикри унинг ёши ва ақли-заковатига қараб баҳоланишига эътибор берилади.

Вояга етмаган болалар фикрларини ифода этиш ҳуқуқини ўзларининг қонуний вакиллари ота-оналари, фарзандликка олганлар, васийлик ва ҳомийлик органлари ёрдамода амалга оширилиши мумкин. Вояга етмаган болаларнинг ўз фикрларини эркин ифода этишда уларнинг қонуний вакилларидан ташқари бошқа шахсларнинг аралашшишига йўл қўйилмайди. Ўн ёшга тўлган вояга етмаган болаларнинг фикрлари, албатта, хисобга олиниши шарт. Вояга етмаган болаларнинг манфаатига, уларнинг ҳуқуқини камситишига ёки ҳуқуқ ва манфаатларига бошқа тарзд птур етказиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай хатти харакатларга йўл қўйилмайди. Вояга етмаган болаларнинг ўз ота-оналарининг хатти-харакатидан норози бўлиб берган шикоятларни кўришда, уларнинг ҳуқуклари ва манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

Бола исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга. Болага исм ота-онанинг келишувига биноан, ота исми- отасининг исмига кўра берилади. Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлганда ота-онанинг келишувига биноан, болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Ота-онанинг ҳоҳишига кўра болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин. Ота-она ўртасида боланинг исми ёки фамилияси бўйича келишув бўлмаганда, келиб чиқкан низо васийлик ва ҳомийлик органи томонидан хал этилади.

Бола туғилиши билан исм олиш ҳуқуқига эга. Фуқаролик кодексининг 19-моддасига мувофиқ ҳар бир фуқоро исмга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, ўз исмини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга (Фуқаролик кодексининг 20-моддаси) боланинг исмига эга бўлиш ҳуқуки унинг ота-оналари, улар бўлмаган тақдирда ота-она вазифасини бажарувчи шахслар томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишда иккинчисининг розилиги бўлганлиги фараз қилинади. Боланинг исмига, ота исмига ва фамилияга бўлган ҳуқуки қонун билан кафолатланади. Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган ва оталик қонуний тартибда белгиланмаган бўлса, оталик ихтиёрий равишида суд томонидан белгиланади( боланинг ота-онаси биргаликда ёки фақат отасининг ўзи ФХДЁ органларига ариза билан мурожат қилса). Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган бола ота-онаси қонуний никоҳда бўлган болаларники каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Қонун оталик - (оналик)ни даъво қилишга ҳам йўл қўяди, лекин бу фақат суд тартибда бўлиши мумкин. Ўзаро никоҳда бўлмаган бола туғилган тартибда, бола ота-онасининг биргалиқдаги ёки отасининг шахсий аризасига қўра, оталик суд тартибида белгиланиши мумкин. Бола 18-ёшга тўлмаган (вояга етмаган) шахсдир. Нафакат шахсий, балкий мулкий ҳуқуқка, ўз ота-онасидан таъминот олиш ҳуқуқига эгадир, аммо бола ота-онасининг мулкига эгалик қилиш ҳуқуқига эга эмас ва ўз навбатида, ота-она боланинг мулккига эгалик қилишига хақли эмас.

Юқоридагилардан келиб чиккан ҳолда қўйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин.

Биринчидан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш шартларини кўриб чиқишида кўплаб муаммолар пайдо бўлади. Бизнинг фикримизча, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги даъвони қаноатлантиргандан сўнг, ота-оналар (фарзанд асраб оловчилар) томонидан боланинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашни назарда тутувчи қоидани қонунда белгилаш зарур.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига болалар вояга етгандан кейин ўқиши даврида алимент ундириш деган норма қўшиш лозим. Ушбу норманинг таҳрири қўйидагича бўлиши керак: "Таълим олаётган вояга етган болаларни боқиши учун алимент ундириш, улар таълим муассасаларида қасбий таълимни тугатгунга қадар, лекин улар 21 ёшга тўлгунга қадар давом этади"

Учинчидан, алиментнинг энг кам ва максимал миқдори муайян ахоли пунктida қабул қилинган яшаш минимумини қайтадан кўриб чиқиш лозим.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси -Т.: "Ўзбекистон", 2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси: Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: "Адолат", 2022 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси: Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: "Адолат", 2022 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси: Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: "Адолат", 2022 й.
5. "Бола ҳуқуқлари тўғрисида" БМТ конвенцияси.
6. Мўминов Халқаро ташкилотлар ҳуқуки. Ўқув қўлланма-2021.